



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 27 март, № 61 (4471)

Пайшанба

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилади

Унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Кеча, 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн учинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу кун Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди, уларда ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

25-26 март кунлари кўмиталар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган 25 та қонунни, шунингдек, парламент юқори палатаси кўмиталари ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Улар орасида хусусан, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун боғжона тўловларини тўлаш бўйича имтиёزلарни қўллаш тартибини бириктириш ва расамда солишга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси Боғжона кодексининг 109-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, барча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтирувчи «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш самардорлигини оширишга қаратилган «Воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва бошқалари билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари бор.

Кўмита мажлисларида «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, мазкур Қонунда одам савдосига қарши курашнинг асосий принциплари, яъни қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабранганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ҳамкорлик принциплари белгилаб берилмоқда.

Кўриб чиқилган барча қонунлар ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, шунингдек, айрим сенаторларнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги хисоботлари тингланди ҳамда сенаторларнинг ва Олий Мажлис Сенати кўмиталарининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш мўлжалланган қонунларни кўриб чиқиш асосида сенаторлар ўз муносабатларини билдиришлари жоиз бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидагина эмас, балки уларнинг жамиятимизни янада демократлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёнидаги амалий роли тўғрисида ҳам сўз юритдилар. Шу нарса ҳам қўйиб ўтилдики, ҳар бир янги ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқни қўллаш йўналишида аниқ механизм ишлаб чиқилишига муҳтож, унинг моҳияти ва аҳамияти эса аҳолига фаол тарзда тушунирилимоли лозим. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ислохларнинг ҳуқуқий базасини кенгайтиришда кўриб чиқилган мазкур қонунларнинг муҳим роль ўйнаши тақозо этилади деган фикрлар ҳам билдирилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ҳаётига тааллуқли ўттиздан ортиқ масалаларни кўриб чиқаётган ялпи мажлис иштирокчилари олдида қатор муҳим вазифалар турибди. Парламентимиз юқори палатаси аъзолари, энг аввало, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига хизмат қиладиган йигирма бешта қонунни кўриб чиқишади. Қолаверса, Конституцияда белгиланган ваколатлари доирасида сенаторлар бир қатор давлат идораларининг ҳисоботларини тинглайдилар. Эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Шу боис, сенаторлар бу галги анжуманга ўзгача руҳ, шижоат билан ташриф буюришмоқда. Бунинг юқори палата аъзоларининг муҳбирларимиз билан суҳбатларидан ҳам сезиш мумкин.



ҚОНУНЛАР ЭЛ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Зокиржон ЗУННУНОВ, Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:
— Дарҳақиқат, юқори палатанинг навбатдаги мажлиси ўзига хос бир муҳитда,

ли тармоқларини янада модернизация этишга доир қатор қонун ҳужжатларини кўриб чиқишда. Энг асосийси, жорий йилдаги фаолиятимизнинг бош мезони ҳам қонун ҳужжатларида инсон манфаатларини устувор даражага кўтаришдан иборат бўлиши, шубҳасиз.

Зотан, Юртбошимизнинг кун кеча халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясидаги маърузаси ҳам ана шу масалага муштарак бўлди. Юртбошимиз қайси соҳадан қатъи назар, иқтисодий ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўладими ёки иқтисодий соҳа, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш борасидаги энг муҳим йўналишларни изчил давом эттириши — буларнинг барчасида инсон манфаати асосий ва устувор масала бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар. Уйлайманки,

Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлиси ҳам мана шу мақсадларга хизмат қилади.

Эшпўлат ТҮЙЧИБОВЕВ, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Кўмитамиз томонидан бугунги мажлис кун тартибига бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари киритилган эди. Жумладан, «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги ва «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги қонунларни кўриб чиқамиз. Бу қонунларнинг замирида мамлакатимиз фуқароларининг манфаатлари мужассам эканлигини таъкидлаш лозим. Чунинчи, транспорт эгаларининг фуқаролик мажбуриятларини сугурта қилиш дунё микёсида такомиллашиб, кенг самара бериб келаётган жара-

ёндр. Хориж тажрибасида синновдан ўтган ушбу сугурта тизимининг жорий этилиши, уйлайманки, транспорт воситаларини кафолатлашга хизмат қилади.

Умуман, кўмитамиз томонидан киритилган аксарият қонунларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, уларнинг қўпчилигига қўшимча ва ўзгартишлар киритилаётгани аён бўлади. Бу эса, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт йўлидан кетаётганлигидан далолат. Зотан, бизнинг эндиликдаги энг муҳим вазифаларимиз амалдаги қонунларни ҳаётга янада самарали татбиқ этиш, уларни янги замон тенденцияларига уйғунлаштириш, ислохотларнинг бардавом ва изчиллигига хизмат қилишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ БАХТИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида катнашиб, Президентимизнинг Сурхон воҳаси ҳақидаги фикрлари, бу ерда яшаётган инсонларнинг эл ободлиги, юрт тараққиёти йўлидаги фидойи меҳнатлари ва берган одилона баҳолари бир депутат сифатида мени мамнун этди. Ва яна баъзи ўринларда суҳбатимизда ва боқибегамлик қилаётганимиздан хижолат ҳам тортидик.

▼ Дил сўзи

Тўғриси айтганда, сессиядаги гаплар воҳа ҳаётининг кечаги ва бугунги манзарасини ифодалаб берадиган ҳолис фикрлашув бўлди. Ҳамиша ҳам шундай. Президентимизнинг вилоятимизда бўлиб, эл-улус билан ўтказган мулоқотлари, дилхаш суҳбатлари, ҳол-аҳволимизни сўраб-суриштириб кўрсатган меҳрибонликлари ўй-мулоҳазаларимизга ойдинлик бахш этади. Ушбу ишларимизга бугуннинг мезонларидан келиб чиқиб ёндошимизга давъат қилади. Бу ҳол, табиийки, қадамларимизга дадиллик, ораву-режаларимизга ишонч-ўқнатлик бағишлайди.

Бу галги сессияда ҳам Юртбошимиз тилимининг учиде турган гаплардан сўз очдилар. Каттаю кичик — ҳаммининг дилини безовта қилаётган муаммоларнинг асл илди-моҳиятини идрок этишимизга ундадилар.

Муаммо нима? Бир қарашда ёмон ишламаётгандайми. Иқтисодий ислоҳ қаратилган ҳаракат-режаларимиз гоҳи пасту гоҳи баланд бўлиб ба-жариб келинаётгандай: йўлларимиз со-зланмоқда. Табиий бойликларимизнинг кўзи очилмоқда. Еримизнинг унумдорлиги ошяпти. Иқтисодий соҳадан Дас-турларимизнинг бажарилиши маромлари дуруст. Бу билан имкониятларни тўла ишга со-лаяпмиз, яхши ишляпмиз,

▼ Дил сўзи

деб айтолмаяпмиз-ку. Масалан, янги қурилган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг биз учун оламшумул аҳамияти борлигини ҳалиям тўлиқ ан-глаб етгандай эмасмиз. Англаб етгани-мизда эди хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлигимиз хозирдагидек су-ст оқимга тушиб қолмаган бўларди. Сони бору салмоғи ҳаминкадар қўшма кор-хоналаримиз бир неча баробар орти-қат қувват билан ишлаб турарди. Хи-зmat қуратиш ва сервис соҳаларида бу-гунгидан бир ярим баробар кўп иш ўринлари яратилган бўларди.

Марра бугунги ишларга ўралашиб ўтирганики эмас. Марра эртанги кун руҳини кўра билганики. Замондан икки-уч қадам олдинда юра ололганики. Мен

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус — 2008»

Кеча пойтахтимиздаги «Ташаббус — 2008» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўртасида ўтказилаётган аънаваный «Ташаббус — 2008» республика кўрик-тайловининг якуний босқичи иш бошлади.



ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ — ЯХШИЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИГА

Юртбошимиз ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур танлов ишбилармонлари рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш, энг муҳими, соҳа вакилларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Натيجида тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириши ҳис-

бига янги иш ўринлари очилиб, ишлаб чиқариш суръатлари тобора юксалмоқда. Бунинг 2007 йил якуни бўйича кичик корхоналарнинг сони 422,3 мингтага етиб, олдинги йилдагига нисбатан қарий 10 фоизга кўпайгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қўноқлари, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,7 фоизни, экспортдаги ҳиссаси

14,8 фоизни ташкил этди. Ёки бўлмаса, қишлоқ ҳўжалигининг етакчи кучи — фермерлик ҳаракатини олиб кўрайлик. Уларнинг сони 217 мингтадан ошиб, соҳада банд бўлганларнинг 90 фоиздан зиёди, аниқроғи, 1621,4 минг нафари шу субъектларда меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТИМ РИВОЖИ — МЕНИНГ КАМОЛИМ

Ёшлик — бебаҳо фасл. Бундай паллада инсон пок орзулар, эзгу мақсадлар оғушида ишайди. Айниқса, менга ўхшаган мустақил ҳаёт оstonасидаги минглаб ёшларнинг дилида беҳисоб эзгу истагу ниятлар жўш уради. Бироқ шуниси ҳам борки, агар вужудда ҳар қанча истъод, ҳар қанча иқтидор бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, мақсадга эришиш мушкул.

Шу маънода, биз, ёшлар бугунги тақдиримиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Президентимизнинг бизга бўлган эътиборларини, ғамхўрликларини ҳар қадамда хис қилиб келмоқдамиз. Кун кеча матбуотда

садлар сари оғишмасдан интилишга давъат этади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсис этилиб, фолиблар номи илк марта эълон қилинганида, мен мактабнинг 3-синф ўқувчиси эдим. Ушунда ҳавас билан «Мен ҳам катта-катта ютуқ-эълон қилинган Наврўз байрами табригида ҳам Юртбошимиз «Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники», дея бизга дадда бериб, юксак ишонч билдирдилар. Бундай дадда, шубҳасиз, бизни фақат ва фақат олдинга, аниқ мақ-

▼ Ифтихор

ларга эришаман», деб ният қилгандим. Агар ният астойдил бўлса, инсон, аълоятга, ўз орзусига етар экан. Мени

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи


2008 йилда мамлакатимизда жорий йил учун кўзда тутилган инфляция кўрсаткичлари доирасидан чиқмаган ҳолда, ўртача иш хақи миқдорини камида **1,5** баробар ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Республикада иқтисодий тараққиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланганлиги, молиявий имконият ва резервларимиз юксалиб бораётгани, ички бозорларимиз сифатли товар ва хизматлар, биринчи навбатда, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан узлуқсиз тўлиб бораётгани — буларнинг бари «Инсон манфаатлари устувор» деган бош мақсадимизни амалга оширишга қаратилгани ана шу вазифани бажариш учун етарли даражада ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилади

Мамлакатимиз мустақил бўлгач, барча жабҳа- қатори инсон ҳуқуқлари бўйича ҳам жиддий ислохотлар ўтказилди. Бугунги кунда инсон манфаатлари энг устувор қадрият сифатида қаралмоқда. Инсон манфаатларини ҳимоялаш учун қонуний асослар яратилган. Жумладан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай ҳужжатлардан биридир. Бугунги шиддатли ҳаётимизнинг суръати, барча соҳалар-

даги жадал ислохотлар ушбу қонунга ҳам қўшим- ча ва ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда. Дайно ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугун очилмаган ялпи мажлисида ҳам кўриб чиқиладиган ва муҳокама этилади. Шу мақсадда биз парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Б. ИМИНОВдан янги қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.



ҚОНУНЛАР ЭЛ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нодира КАРИМОВА, юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси: — Янги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан бир вақтда, жойлардаги маҳаллий кенгашлар, доимий комиссиялар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларни янада фаоллаштиришга доир қўллаб-таътирларни амалга оширишнинг янги натижа бераётганини кўриш мумкин. Чунки сенатор нафақат қонун қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этмоғи, балки маҳаллий масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатиши керак. Шу боис, йил бошидан бундан бу борада анча-мунча ишларни бажардик. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суд хуж-

жатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларга, кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилапти. Уларда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши учун зарур нормалар акс этапти. Масалан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Қонунда инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш белгилаб қўйилган. Таъбиркорнинг, инвесторнинг, умуман, халқнинг фаронлиги, уларнинг қизиқишлари, юрт равақига ҳисса қўшадиган қонунларни маъқуллашдек масъулиятни бугун барча сенаторлар ҳис этиб туришибди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

— Истеъмолчи ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, мустақиллигимиздан олдинги даврлар эсимга тушади, — дейди Бахтиёр Мирзақонович. — У пайтларда инсон қадр-қиммати зигирча ҳам ҳурмат қилинмас, аксинча, ҳар жабҳада унинг ҳуқуқлари поймол этилар эди. Дўкондорлар фақат назоратчиларининг тан олишар, истеъмолчиларнинг арз-додига қулоқ ҳам ошмас эди. Чунки мавжуд қонунлар ишлаган, мабодо ишлаганда ҳам кўзини ёғ босган бир гуруҳ пулдорлар учун хизмат қиларди. Истиқлол бундай адолатсизликларга мутлақо чек қўйди. Эндиликда қонунлар ишлаб бошлади ва у одамларнинг оғирини енгил, мушкулни осон этмоқда. Энг муҳими, қонунлар уларга ўзлик-гини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб

олишлари учун хизмат қилмоқда. Шу жумладан, қонунларнинг киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳам ҳаётимиздаги ислохотларнинг самараси, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг бир кўриниши, деб тушуномқ керак. Аслида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 5 сентябрда парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритилган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш-

га қаратилган қондалари асосида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган маъқул Қонун бир ҳафтадан кейин кўриб чиқиш учун Сенатга келиб тушган. Истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда реализация қилинаётган товарлар сифати учун сотувчиларнинг масъуллигини ошириш мақсадида «Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафилий мажбуриятлари» деб номланган 11-моддага киритилаётган ўзгаришларга кўра, сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддатга кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтган дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший қиммат-варларини қабул қилиш ва реализация қилиш тақиқланади. Шу муносабат билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 27-моддага ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган бундай товарни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик ишлаб чиқарувчи (ижрочи), сотувчи (жарима солишига асос бўлиши) белгиланган ўзгариш киритилмоқда. «Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеklang қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги» деб номланган 21-моддага қўшимча киритилиб, сотувчи-

(Давоми. Боши 1-бетда). йўлайманки, худди ана шунга қолганда биз сусткашлик қилган эканмиз. Ҳимоянинг сусткашлигимизга кўникама ҳосил қила бошлаган эканмиз. Майдагина имкониятдан катта ютуқларни қидиришни тўхтатган эканмиз. Бунёдкорлик ишларига бутун эл-халқнинг яратувчилик салоҳиятини сафарбар қилиш ўрнига сен менга, мен сенга тегмайман қабилида иш кўришни афзал била бошлаган эканмиз.

Элимиз аҳил. Одамларимиз бир-бирларини яхши кўришади. Яхши тушунишади. Ҳар бир ишга уларнинг яқдил киришиларини таъминламоқ учун узоқ маж-

ЭРТНИ ЙЎЛАБ ЯШАШ БАХТИ

лисларнинг, кистовларнинг кераги йўқ. Одамларга меҳрибон бўлмоқ керак. Одамлар учун яшамоқ, ишламоқ керак, таом. Ана шундай таомийда ишлаган раҳбарнинг изидан улар дарё бўлиб эргашадилар. Сессияда «Сурхондарёнинг беш йиллиги» Дастури ҳақидаги гапларни давлатимиз раҳбарининг вилоят ахдиқболи ва иқболига қаратилган яна бир меҳрибонлиги фодаси деб биламиз. Шу беш йил мобайнида «Хониза»да полуметалл қазиб олиб, уни қайта ишлайдиган йирик мажмуа ишга туширилади. Кўмир қазиб олиш учун баробарга кўпаяди. Бойсуннинг, Шеробод тоғларининг қазилма бойликлари юрт фаровонлигига хизмат қила бошлайди. Нафақат туман, балки ҳар бир маҳаллага инвестиция киритиш тадбирлари қўрилади. Еш оилаларнинг фаровон турмуш кечиршини таъминлайдиган ижтимоий шарт-шароитлар яратилади. Йўлайманки, ҳурматли Президентимизнинг Сурхондарёга таширфлари чоғида айтган гапларидан воҳадагиларнинг қалблари шундай туйғуларни туйгандай бўлди. Муборак Наврўз айёмида фикр-уйларимиз, яшаш-ишлаш тараларимиз ҳам яшаб, янгиланиб кетгандай бўлди. Биз бугунги куннинг мағиз-моҳиятини англаб етдик. Юртбошимиз айтган ҳар бир сўз фаолиятимизда дастуриламал бўлиб, одамларимиз шу гаҳвар воҳани янада оқиб ва фаровон қилиш йўлида белларини яна бир бор маҳкам боғлаб олмақдалар.

Туроб ЖУМАЕВ, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, фермер.

ЮРТИМ РИВОЖИ — МЕНИНГ КАМОЛИМ

(Давоми. Боши 1-бетда). мақсад сари олға интилиб яшашга, фақат аъло баҳоларга ўқишга Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган оталарча гамхўрлиги ўргатди, деса-сам муболаға бўлмади. У кишининг «Ёшларимиз интилса, изланса, астойдил, юракдан меҳнат қилса, албатта, кўзлаган мақсадига эришади» деган сўзлари ҳар кун кулоғим остида жаранглаб туради. Бугун эса Президентимизнинг беқибс гамхўрликлари, қўллаб-қувватлашлари туйғайли Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таълим йўналиши бўйича совриндори бўлдим. Бундай нуфузли мукофотни «Ёшлар йили»да қўлга киритганим мен учун алоҳида мазмун-моҳиятга эга. Мен ўз орауларим йўлида шитоб билан ҳаракат қилдим. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида фаол иш-

Нозимхон ХОЛИҚОВА, РИШТОН туманидаги 27-мактаб ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ — ЯХШИЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИГА

(Давоми. Боши 1-бетда). Кўрик-танловнинг ташкилий қўмитаси раҳбари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон яқини босқичнинг очилиш маросимида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланаётгани ҳақида тўхталиб, «Ташаббус» миллий тадбиркорликнинг илғор тажрибаси ва ютуқларини эътироф этишнинг самарали механизмига айланиши алоҳида таъкидлади.



— Шундан сўнг иштирокчилар махсулотларининг кўргазмаси очилди. Кўргазма залларини айланар экансиз, дид билан безатилган бурчаклардаги халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат махсулотлари, уста хунармандларнинг санъат асарлари даражасидаги турли-туман буюмларини кўриб, кўли дилангиз яйрайди. Ташкилотчиларнинг айтишича, бу ишбилармонларнинг махсулотни тақдим этиш олих маҳорати ошганини кўрсатади. Асосийси, намойиш этилаётган махсулотлар ўзининг юқори сифати, бежирим қадқонганлиги билан ҳорж-ниқидан асло қолшмайди, бемалол рақобатлаша олади. Хатто баъзи кўрсаткичлари билан устун туради. Масалан, фарғоналик фермер Носиржон Ҳилоловнинг цехларида тайёрланаётган 20 га яқин турдаги гўшт ва сўт махсулотлари импорт ўрнини боса олса, «Якбоғхўмо-текс» моллари чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Еш хунарманд Дилдора Авезова яратган шарқона руҳдаги замонавий либослар эса халқроқ микёсда эътироф этилаётти.

— «Ташаббус» тадбиркорлар кўрик-танловига эмас, балки биз учун тажриба майдони, маҳорат мактаби вазифасини ҳам

ўтапти, — дейди Гулистон туманидаги «Зиёкор» фермер хўжалиги раҳбари Дилбар Эркабоева. — Махсулотларимизни намойиш этишдан аввал кўргазмани бирор айланиб чиқдим. Йул-йўлкай ҳамқобларим билан суҳбатлашмишга ҳам улғурдим. Шунда янги гоғлар туғилди. Гап шундаки, биз деҳқончиликдан ташқари, чорвачилик ва боғдорчилик ҳам йўлга қўйганмиз. 2 гектар боғимиздан бу йил ил ҳосилини оламиз. Агар мева-сабзавотни кўришдан устуна сотиб олсак, гўштни қайта ишлайдиган цех курсак, улар бозорларимиз-



да арзон махсулотлар кўпайишига, даромадимизнинг янада ошишига хизмат қиларкан. Энг муҳими, янги иш ўринлари очилиб, яна 10-15 нафар йилгичкини ишга жалб этиш имкони яратиларкан. Шу мақсадларни амалга оширишни дилимга туги қўйдим. Кўрик-танловнинг қай бир қатнашчиси фаолияти билан танишманг, улар ўзлари учун яра-

тиб берилган шарт-шароитдан оқилона фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида тинмай изланаётгани, табиийки, бу ўзининг самарасини бераётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, тадбиркорларнинг ҳорж сармосини жалб этиб, жаҳон бозорига чиқа оладиган махсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборга сазовордир. — Корхонамизнинг 100 кишилик жамоаси мактабга таълим муассасалари, мактаб ва касб-хунар коллежлари, идора ва офислар учун турли мебеллар, спорт анжумлари — жами

йил ушбу кўрсаткични 3 миллиард сўмга етказмоқчимиз. «Ташаббус — 2008» аввалги танловлардан биринчана фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Сабоби, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, танлов Низомига бир қатор ўзгариш ва янгиланиш киритилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида тўлган тажриба ва ҳорж анъаналари ўрганилиб, иштирокчилар фаолиятини баҳолашнинг янги механизми ишлаб чиқилди. Туман (шаҳар), вилоят босқичларида ташаббуснинг 1000 га яқин тадбиркорлар фаолияти аниқ ушбу мезон билан баҳоляниб, улар орасидан 41 нафар голий республика босқичига йўланма олди. Яна бир янгилик жорий йилги танловнинг бир қатор номинациялар билан бойитилганидир. Яъни «Ташаббус — 2008»да «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишларидан ташқари, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида фаол қатнашган энг яхши тадбиркор», «Энг яхши молия муассасаси», «Энг яхши яққа тадбиркор» ҳамда «Миллий бренд» каби янги номинациялар бўйича ҳам голийлар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Кўрик-танлов якуний босқичининг иш кўни бугун ҳам давом этади. Бундан кўзланган мақсад ҳайрат аъзоларининг иштирокчилар фаолияти билан чўқурроқ танишишлари ва имконият яратиш, қолаверса, кўргазмага аҳолининг кенгроқ қатламга жалб этишдан иборатдир. Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Темур ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.

Хабарлар

Урганч шаҳрида меҳнат муҳофазасига бағишланган минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Кун тартибиде меҳнат муҳофазаси

Унда Қорақалғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан соҳа вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда корхона ва ташкилотларда, барча фермер хўжаликлариде меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг меҳнат шартларини янада яхшилаш, соҳада амалга ошириш лозим бўлган вазифалар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама этилди. Икки кунлик ўқув-семинари давомида иштирокчилар йирик корхоналарда бўлишиб, меҳнатни муҳофазе қилиш ва меҳнат муносабатлари бўйича амалга оширилаётган иш тажрибалари билан ҳам танишдилар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик самараси

Навоийдаги «Электромех» корхонасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Корхона 1994 йилда Ўзбекистон — Панама ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган эди. Кейинги йилларда Швейцариянинг «Сунгента», «Дайстон», Германиянинг «Басф», Хиндистоннинг «Юнайтед — Фосфат», Россиянинг «Август», Даниянинг «Кеминова-Агро» компаниялари билан ҳамкор-

лик ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, корхона махсулотларининг сифати ва харидорларининг ошмишига хизмат қилди. Утган йили корхонада 25 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилгани ҳам фикримизни исботлайди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги технология — ютуқлар омили

Ҳозирда «Ўз ДонЖУ Пэинг», «Саройпластик», «Меридиан», «Андластервис» каби 77 та қўшма корхона ва фирма Аскадаги «ЎзДЭАВТО» акциядорлик жамиятини эктиёт қисмлар, деталлар билан узуқсиз таъминламоқда. Қўшма корхона ва фирмаларда ўлчов ва синов асбобларининг тобора мукамаллаштирилаётгани, мутахассислар малакаси оширилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Одиложон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили ДУРДОНА БУЮМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Экспозициядан зардўзлик, тўқимачилик, нақшошлик, ранг-тасвир ва миниатюра, ёғоч уйма-корлиги, керамика, каштанчилик сингари йўналишлардаги хунармандчилик буюмлари ва санъат асарлари жой олган. Кўргазма ўтган йилнинг август ойида илк бор ўтказилган эди. У катта муваффақият қозонди. Кўргазма-ярмарка якунида санъатнинг барча йўналишлари бўйича энг маҳоратли усталар номи эълон қилинди. Юздан зиёд хунарманд орасида гран-при совринини қўлга киритган

уста Францияда бўлиб ўтадиган Халқроқ Лаванда ярмаркасида қатнашиш имконига эга бўлди. Бу йил ҳам нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан бир неча номинациялар бўйича голийлар аниқланди. Намойишда ота-боболари хунарини давом эттириб келаётган тажрибали усталар қатори ёш хунармандлар ҳам ўз асарлари билан фаол қатнашмоқда. — Андижон вилояти хунармандлар уюшмаси аъзолари сафида меҳнат қилман, — дейди кўргазма иштирокчиси Наргиза

Мирзаолимова. — Уюшмамизда мен каби ёш қизлар йилгирма нафардан зиёдни ташкил қилади. Биз миллий кўнгрочқ ясаш, попчилик, ҳайкалтарошлик хунар турлари бўйича қатор чет давлатлардан ҳам буюртмалар оламиз. Франция, Германия, Италия ва Хиндистон тадбиркорлари доимий мижозимиз. Бу галги кўргазмада ҳам кўпчилик санъат илхосмандлари, чет эллик мутахассислар махсулотларимизга қизиқиш билдирмоқда. Еш модельер-дизайнер Дилафрўз Рашидовдан кашта



тиқилган бежиримгина камзулни сотиб олаётган арабистонлик Марям Ал Авади хоним завқини яширолмади. — Юртингизда икки йилдан буюн яшайман, — дейди у. — Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ширинсўзлиги, самимийлиги боис бу миллатга ҳурматини баъланд эди. Бугун эса бу халқнинг қўли гул хунарманд, санъат устаси, бетақоррор истеъдод соҳибни эканлигига ҳам гувоҳ бўлиб турибман. Қолаверса, ҳукуматнинг уста ва хунармандлар меҳнатини қадрлаб, уларни солиқлардан озод қилиш, меҳнатини юзага чиқариш ва рағбатлантириш борасида кўп хайрли ишларни амалга ошираётти. Бундай юртда, шубҳасиз, санъат ва маданият ривож топади, миллат номи жаҳон узра донг таратади. Қўллаб янги номлар ва истеъдод эгаларини кашф этишни мақсад қилган маъмур кўргазма 30 мартага қадар давом этиши кўзда тутилган. М. АНВАРОВА, Т. ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Басрада тўқнашув



Ироқнинг Басра шаҳрида мамлакат хавфсизлик кучлари ҳамда Муктадо ас-Садр етакчилигидаги радикал гуруҳ ўртасида қуролли тўқнашув рўй берди. "Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, 50 киши ҳаётдан қўз юган. Яна 120 киши оғир тан жароҳати олди.

Эслатиб ўтамиз, айти пайтда Басрада комендантлик соати эълон қилинган.

Кўп қаватли уй қулади

Норвегиянинг Аалесунд шаҳрида аҳоли истиқомат қиладиган беш қаватли уй қулаётган.

"ИТАР-ТАСС" хабарига айтилишича, вайронлар остидан 15 нафар киши қутқариб олинди. Олти кишининг бедарак йўқолиши айтилмоқда.



Полиция ҳозирча кўп қаватли уйнинг қулаши сабабларини ўрганмоқда.

Ўз зиммасига олди


Жорий йил 18 март кунини АҚШнинг Ямандаги элчихонасига уюштирилган кўпқурвчилик ҳаракатини "Жунд ал-Яман" террорчи гуруҳи ўз зиммасига олди.



Бу ҳақда террорчиларнинг интернетдаги сайтларидан бирида хабар тарқатилди. Эслатиб ўтамиз, 18 март кунини террорчилар АҚШ элчихонасига қарата бир неча марта ўқ узишган эди. Ушунда икки киши нобуд бўлиб, ўндан зиёд одам яраланди.

Учар машина

Нью-Йоркда халқаро автосалон кўргазмаси бўлиб ўтди.



Кўргазмада машина-самолётнинг намоиши этилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг қаерда ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги маълумот ҳозирча бешор этилмапти. Машина-самолёт мутахассислар томонидан 450 минг АҚШ доллари миқдорига баҳоланмоқда. Умуман, кўргазмада Япониянинг "Mazda-2" русумли автомобили "2008 йилнинг энг яхши автомобили" номинациясида голибликни кўлга киритди. Ушбу номинацияга 38 моделдаги автомобиллар даъвогарлик қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2008 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3968-сонли Фармонни имзолаган эди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши аҳолининг банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиб, улардан мамлакат иқтисодий ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида фойдаланиш учун кўшимча имкониятларни яратди.

Президент Фармони чиққанидан сўнг аҳолининг турли қатламлари истакларини имкон қадар қондириш мақсадида Миллий банк жисмоний шахсларга ҳам миллий, ҳам хорижий валютада таклиф этаётган омонат турлари рўйхатини қайтадан кўриб чикди.

Омонат номи	Сақлаш мuddати	Йиллик фоиз ставкаси	Дастлабки бадалнинг энг кам суммаси
Миллий валютадаги депозитлар			
Мuddатли депозитлар			
«Баҳорги»	45 кун	27%	500 000 сўм
«НБУ-Классический»	6 ой	18%	10 000 сўм
«Омонлик»	6 ой	16%	50 000 сўм
«Ишонч»	1 йил	6 ой — 24%, 6 ой — 12%	150 000 сўм
«Камолот» (18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар учун)	1 йил 6 ой	25%	50 000 сўм
«Хотиржамлик»	16 ой	26% (фоизлар коммунал ва хожазо хизматлар ҳақини тўлаш учун ўтказилади)	Дастлабки бадал миқдорини омонатчининг ўзи белгилайди 100 000 сўм
«Омадли»	2 йил	16%	250 000 сўм
«Мақсад»	2 йил	1 йил — 16%, 2 йил — 19%	250 000 сўм
«Келажак» (болалар учун)	5 ёш ва ундан юқори	18%	1 000 сўм
Жамғарма депозитлар			
«Кўпайсин»	1 йил	17%	200 000 сўм
«Пластик карточка бўйича кўйиладиган омонат»	Мuddатсиз	14%	150 сўм
Талаб қилиб олингунча	Мuddатсиз	2%	100 сўм
Хорижий валютадаги депозитлар			
Мuddатли депозитлар			
«Фойдали»	6 ой	4,5% (хисобварақ очилиши чоғида бўнақ тарзида тўланади)	5 000 \$
«Ҳавас»	1 йил	4,75% (ҳар уч ойда капиталлаштирилади)	1 000 \$
«Комфорт-2»	1 йил	9%	2 000 \$
«Севинч»	2 йил	10%	3 000 \$
«Парвоз»	5 ой	6%	500 евро

Наврўз байрамини нишонлаш мақсадида Миллий банк 2008 йил 24 мартдан бошлаб Ўзбекистон аҳолисига мuddати 45 кунга, йиллик фоиз ставкаси 30%га тенг бўлган миллий валютадаги «Кўклам» депозитини таклиф этади, 1 апрелдан бошлаб эса эгасининг номи ёзилмаган, йиллик фоиз ставкаси 9% ва 10%га, мuddати тегишли тартибда 6 ва 9 ойга тенг бўлган АҚШ доллариди ҳамда йиллик фоиз ставкаси 7% ва 8%, мuddати тегишли тартибда 6 ва 9 ойга тенг бўлган евродаги мuddатли омонатлар жорий этилади.

Миллий банкдаги омонатларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари — «Банк сирини тўғрисидаги қонун», «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонун» ва Республика Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сонли Фармони билан ҳимояланади.

Хизматлар лицензияланган

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газевейс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуquдуидаги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг дан 4000 кг гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, санюат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.
Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Очиқ аукцион савдосига Жиззах вилояти хўжалик судининг 13-0501/3109- сонли иши бўйича 2005 йил 4 майдаги ижро ҳужжатига асосан Суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлими томонидан хатловга олинган, Жиззах шаҳар «Боғи шамол» МЧЖга қарашли, Жиззах шаҳри, «Сангзор» маҳалласида жойлашган, умумий майдони 668,86 м² бўлган, фойдаланишга яроқли, 6 хонали ресторан биноси кўйилади. Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 16 апрель кунини соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалида бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан 1 кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини РКМБ Жиззах вилояти филиалининг кўйидаги иккиламчи ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: АТ «Ипотeka банк»и «Сангзор» филиали, ҳ/р 20210000000571452050, МФО 00834, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун манзил: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳжўчаси, 39-уй. Телефонлар: (372) 222-35-77, 222-34-16, 771-65-90.

«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ ҚҚ

Кенг ассортиментда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар

Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.

Чегирмалар тизими мавжуд

Батафсил маълумот олиш учун сайтимиз: www.dkg-ag.de

- пўлат сим
- пахта тойинни ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялари учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилимлар (шини)
- арматура
- михлар

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй.
Тел./факс: (+998 71) 150-21-25
248-36-30, 248-81-89,
248-81-91, 248-20-63.
Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06.
E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кабель маҳсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта қалтаклар (барабан)ни сотиб оламиз.

Буюртма бўйича тайёрлаймиз.

Drive your way

Тел.: 250-11-11,
250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner **HYUNDAI** www.hyundai-motor.com

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 15 мартдан 22 мартгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Мақтаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2008 йил 3 мартдаги 19, 2008-15-сонли қарори.
- 2008 йил 18 мартда 1446-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 мартдан қучга қиради).
2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 1 мартдаги 6/3-сонли қарори.
- 2008 йил 18 мартда 773-25-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 мартдан қучга қиради).
3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиацион персоналани даражалаш ва шаходатномалар бериш авиацион қондаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 13 мартдаги 51-сонли буйруғи.
- 2008 йил 18 мартда 1349-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 мартдан қучга қиради).
4. «Уй-жойларни олиш-сотиб, алмаштириш ва ҳада қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлашда давлат божини ўндириш тартиби тўғрисида тушунтиришни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Адлия вазирлигининг 2008 йил 18 мартдаги 2008-14, 20-26-5-сонли қарори.
- 2008 йил 20 мартда 538-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 мартдан қучга қиради).
5. «Умумий ўрта таълим олувчиларининг яқиний давлат аттестацияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи.
- 2008 йил 20 мартда 1778-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 мартдан қучга қиради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Уй-жойларни олиш-сотиб, алмаштириш ва ҳада қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлашда давлат божини ўндириш тартиби тўғрисида тушунтириш. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 538, 1998 йил 17 ноябрь).
- Адлия вазирлигининг 2008 йил 20 мартдаги 45-мўсон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.
- Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ветеринария препаратлари, шу жумладан, ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар, зоогигиена воситалари ва ветеринария атрибутларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун зарур бўлган моддий-техник базага ва бошқа техника воситаларига қўйиладиган энг кам талаблар;
2. Товуқ, бедана, ўрдак ва ғоз туҳумларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш қондалари.
- Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон, Республикаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.
- Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.
- Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, қучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қондалар бўлмаслиги лозим.

IV. Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чиқариб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таъминот вазирлигининг 1995 йил 28 апрелдаги 03-720-сон хати.
- Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдиминомаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чиқариб олинди.

Телефон аппаратлари улгуржи савдоси

1 йил кафолат

Кенг моделлар қатори

- Корхоналар билан ишлаймиз
- Дилерларни ҳамкорликка таклиф қиламиз

Телефонлар: 8 (371) 234-25-97, 150-02-21, +998 (90) 370-18-30.
e-mail: mirada_tashkent@mail.ru махсулот сертификатланган

Юртимизда маънавий юксалиш масаласига, маданият ва санъат ривожига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, улғун аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, миллий ўзлигимиз ва бой тарихимизга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини ёш авлод шуурига синдириш, улар қалбига эзгулик ва меҳр-оқибат гоёларига садоқат туйғусини уйғотиш бугуннинг талабидир. Бу борада тарбия мактаби бўлиши саҳна санъати бекиёс аҳамият касб этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, саҳна санъати одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиши, айни вақтда миллий гурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси бўлмоғи ҳам лозим.

фарлари муваффақиятли яқунланди. Ўзбек театр санъати мазкур ижодий сафарлар туйғулари ҳақинда ўтказилган маънавий мулоқотларда муваффақиятли яқунланди. Ўзбек театр санъати мазкур ижодий сафарлар туйғулари ҳақинда ўтказилган маънавий мулоқотларда муваффақиятли яқунланди.

ҚУДРАТЛИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Бундан ўн йил муқаддам Президентимизнинг "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги тарихий Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон асосида ташкил этилган "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг тасарруфидоғи мавжуд 37 та давлат театрида ўтган вақт мобайнида қатор ижодий ишлар амалга оширилди.

Маҳобат ва салобатга эга бўлганининг ўзи фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, пойтахт театрлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар театрларининг ҳам анчагина қисми тубдан қайта таъмирланди. Хусусан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусикали драма театри янги бинага эга бўлди. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма театри, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театри, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театри, Бердақ номидаги қорақалпоқ мусикали театри ҳамда Сапар Хужаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри бинolari ҳам таъмирланди.

Улар хорихий мамлакатларда ўтказилган халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида таништира муваффақ бўлмоқдалар. Хусусан, яқин

минлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда "Наврўз", "Хумо", "Анджон баҳори", "Мустанқиллик тинчлиги", "Сарҳисоб", "37+1", Республика қўғирчоқ театрлари фестивали сингари танловлар тасъис этилган. Мазкур танловлар янги истеъдод соҳибларини аниқлаш, театр ижодкорларининг касбий жиҳатдан маҳорати орттишига хизмат қилапти.

— Тан олиш керакки, истиқлол йилларида барча соҳалар қатори театр санъатига ҳам эътибор ва ғамхўрлик қўйилди, — дейди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи Эсонбой Уринов. — Бунинг натижасида қўлбанд санъат даргоҳларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, замонавий шарт-шароитлар яратилди. Биргина Ўзбек Миллий академик драма театрининг бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қайта қурилиб, жаҳоннинг наман деган санъат саройларидан қолишмайдиган даражада

маҳобат ва салобатга эга бўлганининг ўзи фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, пойтахт театрлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар театрларининг ҳам анчагина қисми тубдан қайта таъмирланди. Хусусан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусикали драма театри янги бинага эга бўлди. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма театри, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театри, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театри, Бердақ номидаги қорақалпоқ мусикали театри ҳамда Сапар Хужаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри бинolari ҳам таъмирланди.

иқки-уч йил ичида Ўзбек Миллий академик драма театри ва пойтахтимиздаги қатор жамоалар, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрлари, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театри, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театри, Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма театрларининг чет эл са-

иқки-уч йил ичида Ўзбек Миллий академик драма театри ва пойтахтимиздаги қатор жамоалар, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрлари, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театри, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театри, Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма театрларининг чет эл са-



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ОСИЁДАГИ КУЧЛИ КОМАНДА УСТИДАН ҒАЛАБА

Кеча пойтахтимиздаги МХСК стадионида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасида 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати учинчи босқич саралаш учрашуви бўлиб ўтди.



Бу учрашув ўзбекистонликлар учун омадли келди. Юртдошларимиз бутун ўйин давомида қўғамизнинг етакчи терма жамоаларидан ҳисобланган Саудия Арабистони футболчиларидан ҳар томонлама устун эканликларини намойиш этдилар. Шу куни терма жамоамизни қўллаб-қувватлаб турган

миллионлаб футбол ишқибозлари аjoyиб футбол спектаклининг гувоҳи бўлишди. Темур Копадзе, Максим Шацких ва Сервер Жепаровлар томонидан киритилган голлар ҳамюртларимизнинг 3:0 ҳисобидаги ишончли ғалабасини таъминлади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу ғалабадан сўнг 6 очко билан гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олди.

МУРАББИЙЛАР СЕМИНАРИ

Пойтахтимизда Миллий Олимпия қўмитаси, Республика таъқвондо WTF ассоциацияси ва Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпия Бирдамлиги дастури билан ҳамкорликда мураббий ва мутахассислар малакасини оширишга бағишланган семинар бошланди.

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган йигирма нафардан зиёд мураббийлар амалий ва назарий машғулотларда қатнашмоқдалар. Тадбирни жаҳон таъқвондо WTF федерацияси эксперти Ли Су Йил оlib бормоқда.

Аҳмедов ўсмирлар ўртасида, Эдуард Жгай катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида совриндор бўлишган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда таъқвондо WTF жадал ривожланаётган спорт турларидан ҳисобланади. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган тўрт юзга яқин таъқвондо секцияларида ўн минг нафардан ортққ ешлар ўз маҳоратларини оширишмоқдалар. Таъқвондонинг WTF йўналиши бўйича қўлга киритилган натижалар ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ҳамюртларимиздан Рашид

Жорий йил Хитой пойтахти Пекинда ўтказилган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида Акмал Эргашев, Евгения Каримова ва Дмитрий Кимлар таъқвондонинг WTF йўналиши бўйича ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди. Аввал хабар берганимиздек, бу МДХ мамлакатлари ичида энг яхши кўрсаткич. Қозғистонда 2 та, Озарбойжон ва Қирғизистон таъқвондончилари ҳисобида 1 тадан йўлланма бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

INTER-PRESS ОБУНА 119-0000, 119-8383, 155-0955
 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР Тошкент ш., Навоий кўч.13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Севимли инсонларингиз билан кўпроқ мулоқот қилинг!

«Оилавий» янги тарифи

Гуруҳ ичида чиқувчи қўнғироқлар – \$0,01

Абонент тўловисиз Тармоқ ичида кирувчи алоқа – бепул

Тармоқ ичида чиқувчи алоқа – \$0,02

Бошқа қўнғироқлар – \$0,03

МТС

КОРПОРАЦИЯ

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

Янги хизмат режалари

Планлар	Абонент тўлови ойига, \$	Имтиёзли дақиқалар, ойига	Чиқувчи (ўрнатилган лимитдан ташқари)			Кирувчи (ўрнатилган лимитдан ташқари)		
			Корпоратив гуруҳ ичида	Тармоқ ичида	Мобиль телефонларга	Ўзбекистон бўйича	Ўзбекистон бўйича	Ўзбекистон операторларининг барча мобиль телефонлардан
«КОРПОРАЦИЯ АСОСИЙ»	1,5	0		0,02	0,03	0,04	0,04	
«КОРПОРАЦИЯ 500»	10	500		0,02	0,03	0,04	0,04	
«КОРПОРАЦИЯ 1000»	20	1000	БЕПУЛ	0,02	0,02	0,03	0,03	БЕПУЛ
«КОРПОРАЦИЯ 2500»	45	2500		0,02	0,02	0,02	0,02	
«КОРПОРАЦИЯ 5000»	70	5000		0,02	0,02	0,02	0,02	

Эслатма: Тармоқ ичидаги бепул кирувчи қўнғироқлар абонент тўловиға киритилган имтиёзли дақиқаларға кирмайди. Таклиф МТС тармоғида 3 та ва ундан ортққ актив рақамларға эга юридик шахслар ва хусусий тадбирнорлар учун амалда бўлади. Корпоратив режаларға ўланиш фақат номпания офисларида.

Батафсил маълумотлар: 0990 моб. тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробота» компанияси томонидан тақдим этилади. Тўловлар сўмда ўзр МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалға оширилади. Нархларға барча солинлар киритилган. Хизматлар лицензияланган.

МТС

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йулдошева. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Тошпирилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7 8